Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 3 март, пайшанба № 52 (21.656). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 март куни расмий давлат ташрифи билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.

Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб бериб, сафардан асосий мақсади икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришдан иборат эканини қайд этди. Сафар чоғида давлатлараро алоқалар, иқтисодий муносабатлар ва ҳарбий ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланаётганини таъкидлади.

— Биз Россия билан неча ўн йиллар давомида бир тарихий шароитда яшадик ва бугунги ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларимиз ҳам бир хил, — деди юртбошимиз. — Қолаверса, мамлакатларимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий алоқалари шу қадар чамбарчас боғлиқки, уларни қисқа фурсатда узиб бўлмайди ва узиш шарт ҳам эмас. Биз ҳар қандай мафкуравий ғоялардан ҳоли, айни пайтда ўзаро фойдали ҳамкорлик тарафдоримиз.

Аэропортда Ўзбекистон раҳбарини республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Мавлон Умурзоқов, Хайрулла Жўраев Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).



Баҳор келди... В. ПАНОВ олган сурат-лавҳа.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА ТАБРИК

Меҳрибон ва муҳтарама онахонлар!
Азиз ва мукаррама опа-сингиллар!

Сизларни энг ажойиб, қутлуғ байрамларимиздан саналмиш баҳор, нафосат ва гўзаллик айёми, Хотин-қизлар халқаро куни — 8 март билан самимий муборакбод этамиз.

ЮНЕСКО 1994 йилни «Оила йили», деб эълон қилди. Оилани эса мўътабар аёлсиз, мунис ва меҳрибон онасиз, уларнинг чексиз меҳр-муҳаббати, раҳнамолигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шарқда азал-абаддан оила, она, аёлни муқаддас билиб келинган. Улар ҳамиша эъзозланганлар. Зотан, келажаги буюк, мустақил Ўзбекистонимизда оилага жамиятнинг, давлатнинг муҳим бўғини сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Оилани ҳақиқий, мустаҳкам қиладиган ҳам сизларнинг эзгуликка, нурга тўла қалбларингиз, нозик ақлу заковатингиз, меҳрингиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, ҳукуматимиз хотин-қизларнинг кундалик турмуш билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш, улар учун қулайликлар яратиш, табиатнинг, ҳаётнинг ўзи томонидан маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда алоҳида ўрин тутишга даъват этилган аёлларимиз тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилаётирлар. Бу бежиз эмас, албатта.

Адолатли жамиятни, қудратли демократик, инсонпарвар давлатни барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизнинг бугунги суюкли фарзандлари кучига куч, қудратига қудрат қўшишда, юртимизда, хонадонларимизда тинчлик, осойишталикни сақлашда, ҳаётимизнинг гул чечаклари, истиқболимиз бўлмиш болалар тарбиясида масъулиятингиз юксак, шарафли эканлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга Сизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий турмушимиздаги аҳамиятингиз беқиёс ва бетакрорлигини эътироф этамиз.

Қадрли ва суюкли онахонлар, опа-сингиллар!

Она табиатга ҳамиша баҳор нафасини олиб келадиган гўзал айёмингиз билан яна бир бор қутлаймиз. Сиз — меҳри дарё, мўътабар, муқаддас инсонларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилангизда тотувлик, ўқиш ва ишларингизда, ижодда катта зафарлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ.

Музокаралар бошланди

МОСКВА, 2 март. (ЎзА мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бошланди.

Катта Кремль саройининг Георгий залида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ҳар икки мамлакат мадҳиялари янгради. Шундан сўнг Ислом Каримов билан Россия Президенти Борис Ельцин яккама-якка учрашдилар. Учрашувдан кейин кенг доирада — икки мамлакат давлат делегациялари ўртасида музокаралар бошланди. Унда икки томонлама муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Борис Ельцин иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги декларацияни ҳамда бошқа ҳужжатларни имзоладилар. Имзоланган ҳужжатлар юзасидан Ўзбекистон раҳбари оммавий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Президентининг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Воқеалар, хабарлар, шарҳлар

● Қардошлик

ҚЎШ ТАНТАНА

Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Тошҳовуз туманидаги ўйингоҳ гавжумлашди.

Бу ерга вилоят ҳокими М. Жуманиёзов бошлиқ хоразмлик меҳмонлар ҳам келишди. Туркманбоши таваллуди муносабати билан ўтказилган умумхалқ ҳашаридан тушган 70 минг манат меҳр-шафқат жамғармасига ўтказилгани маълум қилинди. Шу баҳонада қишлоқлар газлаштирилди. Ш. Рўзматов номли қишлоқда 420 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Ўйингоҳда ўтказилган Ҳосил байрами эса кўтаринки руҳда давом этди.

● Қулайлик

НАФАҚАХЎРЛАР ҚУВОНЧИ

Жиззах тумани ижтимоий таъминот бўлимида нафақалар ҳисоб-китоби компьютерлар зиммасига юклатилган.

Замонавий машиналар идора ходимларининг юмушини енгиллаштирмоқда. Натижада олис қишлоқларда яшаётган нафақахўрларга вақтида хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди. Ҳозир ижтимоий таъминот ходимлари қишлоқлардаги 14 та кўчма қабулхонада фаолият кўрсатишяпти. Кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар, ногиронлар бундан буён туман марказига қатнамайдиган бўлишди.

● *Маҳаллий бошқарув: муаммо ва ечим* ●

ЭЛНИ СИЙЛАШ — ЭЗГУЛИК

ЕКИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА

Ўтган йили вилоят ҳудудида 3 [illegible] дан зиёд турли бинолар фойдаланишга топширилди. Уларнинг ярмидан кўпроғи маҳаллий маблағлар ҳисобига, яъни ҳашар йўли билан тикланди. Энг муҳими, объектларнинг қурилиш жараёни икки-уч баравар қисқарди. Масалан, Самарқанд шаҳрида ўрта мактаб биноси 10 ойда, марказий банк биноси эса тўққиз ой мобайнида қуриб битказилди.

Умуман қурилиш, яратиш қишлоқдаги асосий иш бўлиб қолди. Жумладан, биргина Нарпай туманида бултур жами минг ўқувчига мўлжалланган учта мактаб, 2 та боғча, биттадан касалхона ва амбулатория, учта чойхона, маиший хизмат уйи ҳамда битта стадион қурилди. Уч километрлик қишлоқ йўлларига асфальт ётқизилди. Газ қувурлари ўтказиш режаси 4,3 бараварга бажарилди.

Вилоятдаги ҳар бир туманда ана шундай мисоллар келтириш мумкин. Хўш, бундай кўтаринкиликнинг, муваффақиятнинг сабаби нимада?

— Авваламбор, бу мустақилликнинг шарофати, — дейди вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов. — Ўз пулимизга, ишчи кучимиз билан бирор бино қурмоқчи бўлсак ҳам марказдан ойлаб, йиллаб рухсат кутиб юрардик. Маблағ олиш учун ҳам узоқ навбатда туришга тўғри келарди. Энди эса ҳар бир туман ўз шароитидан келиб чиқиб, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб иқтисодий-ижтимоий режаларни амалга ошираверади.

— Лекин бу масаланинг ечими вилоятдаги идора ва бошқармаларга ҳам боғлиқ...

— Албатта. Биз шунинг учун ҳам ҳокимият қошида ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг аҳволини ўрганувчи комиссия тузганмиз. Комиссия туманлар билан вилоят ташкилотлари ҳамкорлигини мувофиқлаштириб боради. Аввалига менинг тегишли ўринбосарларим ва бўлим бошлиқлари у ёки бу туманга бориб, иқтисодий-ижтимоий аҳволни ўрганади. Рақамларни вилоят бўйича таққослайди. Вилоят ташкилотларидан қандай ёрдам кераклигини аниқлайди. Кейин мен Самарқанддан шу ишларга бевосита алоқадор идора бошлиқларини олиб туманга бораман. Биргалашиб маслаҳат ўтказамиз. Агар тайёр объектлар бўлса, тантанали равишда фойдаланишга топширамиз.

Баъзан арзимаган камчиликни туман ва вилоятдаги айрим идора раҳбарлари бир-бирига ташлаб юришаверади. Бу ерда улар юзма-юз ўлтиришади. Керак бўлса расмий шартномага қўл қўйдирамиз. Айтгандай, ўринбосарларим ўша тумандаги аҳвол ҳақида ахборот беришади. Йўл йўлакай қишлоқ аҳолиси, айниқса, қариялар билан суҳбатлашамиз, мутахассисларнинг фикрини биламиз. Бир сўз билан айтганда туманни беш қўлдай билиб оламиз.

— Демак комиссиянинг вазифаси фақат аҳволни ўрганишдан иборат, шундайми?

— Йўқ, бу билан иш тугамайди, аксинча бошланажлисда бўлган гап-сўзлар вилоят матбуотида ёритилади. Маҳаллий телевидениеда кўрсатилади. Халқ қайси ташкилот қандай ишлаётганини билиб боради.

Ҳоким ҳақ гапни айтди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бош омили шу соҳага мутасадди раҳбарларнинг масъулиятидир. Албатта фидойилик ҳам бунда ўзига хос ўрин тутади. Яна бир гап: ҳоким туманларга борганда комиссия йиғилишига оқсоқоллар ва жамоат ташкилотлари вакилларини ҳам таклиф этади. Кишиларнинг арзу шикоятларини тинглайди. Айрим муаммоларни ўша ернинг ўзида ҳал қилади.

— Бу услуб мени жуда кўп майда ташвишлардан холи қилаяпти, — дейди Пўлат ака суҳбат давомида.— Илгари одамлар туман раҳбаридан норози бўлса, гурас-гурас Самарқандга келишарди. Энди эса уларни ўша ернинг ўзида, тағин мутасадди раҳбарлар иштирокида эшитамиз. Масалани биргаликда ҳал қиламиз. Ана шундай тадбирлар туфайли Самарқанд, Пахтачи, Паст Дарғом туманларидан вилоят ташкилотларига ариза-шикоятлар тушмади ҳисоб.

Вилоятда чинакам бунёдкорлик мусобақаси авж олган. Булгурнинг ўзида 28 та мактаб, 10 та касалхона ва поликлиника қурилди. Авария ҳолатидаги 70 та мактабларга уч йил мобайнида янги бинолар қуриб берилди. Битта мисол. 1993 йилда Россиядай катта мамлакатда 2000 беморга мўлжалланган касалхона ва 50 минг ўринли мактаб барпо этилибди. Бизнинг вилоятда эса шу даврда касалхонадаги ўринлар сони қарийб 2000 тага, ўқувчилар ўрни эса 20 мингтага кўпайди. Бундан ташқари республикада қурилган илм масканларининг 16, касалхоналарнинг 15, поликлиникаларнинг 11 фоизи Самарқанд вилоятига тўғри келар экан. Бир йил ичида 21 минг хонадонга табиий газ уланди. Мамлакатда ишга туширилган газ тармоқларининг тўртдан бир қисми айнан шу вилоятда амалга оширилган. Ҳатто Қарғабчўлда жойлашган Нуробод тумани хонадонларига табиий газ етиб борди.

Хуллас, турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган самарали тадбирлар туфайли аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда. Одамлар ўз турмушларининг яхшилаш учун чинакам фидойилик кўрсатмоқдалар. Зеро, мустақил юртимиз учун айнан ана шу эзгу ҳаракат сув ва ҳаводек зарур...

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1994 йил 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда банкнинг 1993 йилги фаолияти якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва ишбилармонликни ривожланти р ш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида Миллий банк тизими олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Миллий банк бошқарувининг раиси Р. Азимов маъруза қилди. 1993 йилда давлат пул—кредит сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга доир тадбирларнинг бажарилишини таҳлил этишга, ўз мижозларини, кўрсатиладиган хизмат ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, Халқаро молия жамиятига қўшилиш негизида банкнинг молиявий барқарорлигини сақлаб туришга, Ўзбекистондаги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида экспорт учун ҳамда четдан келтириладиган моллар ўрнини қоплаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўзда тутиб, хорижий кредитларга хизмат ҳажмини оширишга, бу кредитлардан самарали фойдаланиш ва қайтаришга асосий эътибор берилди. Миллий банкнинг ҳамма бўлинмалари, шу жумладан вилоятлардаги бўлимлари республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонини бажаришга доир тадбирларни амалга оширишлари зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бошқарув банкнинг 1993 йилги бирлаштирилган балансини ва фойданинг тақсимланишини, шунингдек, 1994 йилги ривожланишнинг таҳминий кўрсаткичларини тасдиқлади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Б. Ҳамидов ва Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов қатнашди.

МИЛЛИЙ БАНК: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

● *Тадбиркорлар бор бўлсин* ●

ЯНГИ КОРХОНАГА ПОЙДЕВОР

Қорақалпоғистонда маҳаллий хом ашёдан иқтисодиёт учун зарур маҳсулотлар тайёрлаб чиқаришга алоҳида эътибор берила бошланди. Кейинги икки йилда маҳаллий хом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгайди. Жумладан, пахта, сабзавот, полиз, ғалла ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаб чиқараётган кичик корхоналар, цехлар сони кўпайиб бормоқда.

Кейинги пайтда қурилишлар кўлами чекланиб қолгани бинокорлик ташкилотларини ҳам қийин аҳволга солиб қўйганди. 166-қурилиш трестининг 4-бошқармаси янги буюртмани жон деб қабул қилди. Яқинда бинокорлар Нукус ун комбинати ҳудудида спирт ишлаб чиқарадиган кичик завод қурилишини бошлаб юбордилар. Завод қурилиши йил охиригача тугалланади ва корхона фойдаланишга топширилади.

Маълумки, шу чоққача спирт республикага ташқаридан келтирилмоқда. Бундай маҳсулот ҳаддан ташқари қимматга тушяпти. Мустақиллик шароитида Қорақалпоғистонда спирт олишнинг турли манбалари топилмоқда. Буларнинг ҳаммаси тадбиркор, ишбилармонларнинг фидойи меҳнати билан вужудга келмоқда. Ҳар йили 27—30 минг тоннадан кўпроқ ғалла маҳсулотлари чиқиндиси олинади. Бу чиқиндилар спирт олиш учун ажойиб хом ашё манбаи бўлиб ҳисобланади.

Спирт чиқиндилари эса чорва учун қимматли озуқа бўлади.

Тадбиркорлар халқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни таҳлил этиб, бир фикрга келишди. Мана шу катта имкониятларни ҳисоб-китоб қилган ғалла маҳсулотлари бирлашмаси раҳбарлари (Ш. Муҳамедов) тармоқ чиқиндиларидан спирт олиш мумкинлигини эътироф этдилар. Шу тариқа спирт заводи қуриш ҳақида жўяли таклиф билдириб, Қорақалпоғистон Республика ҳукуматига мурожаат қилишди. Таклиф қувватланди.

Кичик завод лойиҳа-сметасини Минск шаҳридаги илмий-тадқиқот ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари тезда тайёрлаб беришди. Корхона ишга тушгандан кейин ҳар кеча-кундузда 10 тонна спирт ишлаб чиқаради. Заводда ликер ва ачитқи ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқчи. Шундай қилиб завод қурилишига кетган ҳаражатлар узоғи билан ярим йилда қопланади.

Куни кеча завод пойдеворига тош қўйиш маросими бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши котиби А. Асанов иштирок этдилар.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ШАНБАЛИК

Қашқадарё дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳудудий бирлашмаси бош корхонасининг жамоаси Наврўз байрами шарафига 12 март куни шанбалик ўтказишга қарор қилди

Белгиланган тадбирларга кўра ўша куни юз миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади. Беш миллион сўм фойда олинади. Жумладан, 360 тонна ун, 320 тонна омухта ем, 500 кг нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Тозаликка ва озодаликка катта эътибор берилади. Корхона ва цех атрофлари ободонлаштирилади. Минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

Ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг шанбалик кунидаги меҳнат ҳақлари, яъни 1 миллион 500 минг сўмлик маблағ вилоят «Наврўз» хайрия ва «Маҳалла» жамғармасига ўтказилади.

— Бу ташаббусимизни вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади, — дейди бирлашма бош директори М. Ибодов. — Шундай қилиб, байрам тантаналарига пухта тайёргарлик кўриб, уни халқимизнинг энг яхши анъаналари руҳида ўтказишга ҳозирдан ҳаракат қиляпмиз. У жамоамизда чинакам баҳор ва меҳнат, яшартириш ва бунёдкорлик байрами сифатида кенг нишонланади.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Тадбиркорлар бор бўлсин* ●

ЎЗИ ЁШ — ИШГА БОШ

Баҳрамжон армия хизматида юрган пайтидаёқ фермер-хўжалигини тузишни ният қилиб қўйганди. Қишлоғига келгач, унга-бунга маслаҳат солиб ўтирмади. Таваккал қилиб тўғри раисга кирди. Йигитнинг бунчалик қатъий ниятда келиши раисга ҳам ёқиб тушди. «Биз маслаҳатлашиб кўрайлик, — деди у. — Жамоа хўжалиги аъзоларидан лойиқ кўришса, сизга ўзим ёрдам бераман».

Шундай қилиб, 1992 йилнинг март ойида Андижон вилоятининг Б. Ражабов номли жамоа хўжалиги раиси Т. Рўзиқулов маслаҳатларига суяниб иш бошлаган фермер. Баҳрамжон Болтабоев ҳисоб-китобни жойига қўйиб, режали иш олиб боришн натижасида бир йилдаёқ сигирлар сонини 18 бошга етказди. 1993 йилда ҳар бош сигирдан 2,5 минг килограммдан сут соғиб олди. Шу йилда ўз қўрғонида ака-укалари билан янги молхона қурди. Жамоа хўжалиги эса унга силос ўраси тайёрлаб берди.

Жамоа хўжалиги унга уйга яқин жойдан 4 гектар ер ажратиб бериш билан бирга, тракторларини ёнилғи билан таъминлашда, пичан йиғишда катта ёрдам берди.

Ҳозирги кунда чорва озуқаси етарли. Баҳрамжон бу йил 15 тонна сут етказиб бериш билан бирга гўшт ҳам топширмоқчи.

Хўжалигимизда Баҳрамжон энг ёш фермер, аммо у катта ишга бош, — дейди биз билан суҳбатда жамоа раиси. — Биз унга маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказадиган кичик цехлар учун дастгоҳ ва ускуналар топиб беришимиз зарур. Чунки ҳозирча фермерларнинг бунга қурби етмайди.

Агар шу ишлар амалга оша-ю, чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар ишга тушса, қанчадан-қанча бекор юрган ёшлар ишга жойлашади. Баҳрамжон ёш бўлишига қарамай раис айтгандай ана шу катта ишга ҳам бош бўлади.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАРАЖАТНИ ХЎЖАЛИК ҚОПЛАДИ

Косонсой шаҳри аҳолисининг олтмиш фоиздан кўпроғи арзон ва қулай ёнилғи — «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда. Куни кеча Қўқимбой қишлоғининг Собир Раҳимов ва Ҳамид Пирматов маҳаллаларига газ қувурлари тортилди.

Натижада бир кунда 160 та хонадонда газ алангаси ёнди. Кўп йиллар давлат хизматида бўлган Аҳмаджон бобо Пирматов биз билан суҳбатда шундай дейди:

— Ёшим 90 дан ошди. Яхши яшаш учун ҳамма имконият яратиб бериляпти. Мана энди уйимизга газ ҳам келди. Барча харажатларни «Қўқимбой» жамоа хўжалиги қоплагани яхши бўлди-да! Бўлмаса шунча сарфни кўтаролмасдик.

Ўзбекистон Президентининг аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш ҳақидаги Фармони Косонсой шаҳар газ идораси ходимлари томонидан изчил бажарилаётгани аҳолини шундай мамнун этаётир.

Турғунбўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

• *Ўзбекистон—келажаги буюк давлат*

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК



МУСТАҚИЛ Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутиб, ҳам Ғарбда, ҳам Шарқда ўз мавқеини, бўй-бастини баралла кўрсатиб турибди. Жаҳоннинг мана-мен деган мутахассислари, сиёсатдонлари унинг ташқи ва ички сиёсатда ўзига хос йўл тутаётганлигини, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш бўйича изчил иш олиб бораётганини эътироф этмоқдалар.

Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлимига келаётган кўпгина хатларда мамлакатимизнинг ўтган икки йилдан ортиқ вақт ичидаги қўлга киритган ютуқлари, ижобий ўсиш-ўзгаришлар ҳақидаги илиқ қалб сўзларини, Президентимиз олиб бораётган кенг миқёсдаги иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлардан мамнунлик ифодасини ўқиш мумкин.

«Ўтган кунлар» муаллифи Абдулла Қодирий мозийга қайтиб иш кўриш хайрли, деган эди. Шу боис ўтган қисқа муддат — истиқлол йилларида амалга оширилган ва халқимиз ҳаётида ўз ижобатини топган хайрли ишларни сарҳисоб этиб, истиқбол режаларимиз хусусида фикр юритиш ғоят мароқлидир.

Баҳор яқинлашган сайин қалбимиз шодликка тўлади. Чунки мустақиллик баҳорида ҳар бир ўзбекнинг қалбию вужудини шодлик ва ғурурга тўлдирган тарихий воқеа содир бўлди: Ўзбекистон Республикаси БМТнинг хавфсизлик Кенгашида бир овоздан халқаро Ташкилотга аъзоликка қабул қилинди.

Ташқи сиёсатимизда етакчи ўрин тутган — ўзаро тенг муносабат, ички ишларга аралашмаслик, очиқ-ойдин сиёсат юргизиш, мамлакатдаги тинчлик, сиёсий барқарорлик, фуқаролик тотувлиги, хорижий сармояларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширди. Пойтахтимиз кўплаб халқаро сиёсий ва иқтисодий анжуманлар ўтказиш жойига айланди. Хорижий алоқаларимизда иқтисодий ҳамкорлик бош мақсад ва мавқега эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу Президентимизнинг ҳар бир чет эл сафарида яққол сезилиб турди.

Шўро замонидаги энг катта орзу-мақсадимиз — Туркистон халқларининг бирлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш Тошкентда Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқларининг учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамдўстлигига асос солиш билан ҳаётимиз реаллигига айланди. Бундай ҳамдўстлик ва ҳамкорлик иқтисодий қийинчиликлар шароитида ғоятда зарурдир. Иккинчидан, томирлари туташ бўлган халқларимизнинг маънавий бирлиги кучимизга-куч, қудратимизга-қудрат қўшмоқда. Асосийси эса минтақада тинч ва барқарор вазият вужудга келди. Беш оғайни халқларнинг мустаҳкам кўрғони пайдо бўлганлиги икки йиллик фаолиятнинг сермаҳсул қирраларидан биридир.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҳамдўстлиги орқали Евроосиё интеграцион жараёнларини янада кучайтириш, икки қитъада ягона иқтисодий маконни шакллантириш ишларига фаол киришган мамлакатимизнинг Европада ҳам кун сайин нуфузи ошиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиши ва Президентимизнинг ушбу ташкилот мажлисига раислик қилиши давлатимизнинг минтақадаги етакчи ўрнидан далолатдир.

Европадаги алоқаларимиз ҳақида гап кетганда Швейцариядаги «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилот билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик ҳақида ҳам қувонч билан сўз юритиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН аввало Осиё мамлакати эканлиги бир зум бўлсада унутилгани йўқ. Республикамизнинг Туркия, Эрон ва Покистон давлатлари ўртасида тузилган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиб кириши тараққиётимиз учун жуда катта истиқбол очди. Жумладан, кўпдан ҳайрли ният бўлиб келаётган — жанубдан денгизга чиқиш аниқ бўлиб қолди. Марказий Осиё республикалари ҳамжиҳат бўлиб қураётган янги темир йўл бизни Форс кўрфази ва Европа билан боғлайди. ИҲТнинг Туркияда бўлиб ўтган анжуманида юртбошимиз сўзга чиқиб, минтақани ҳавас қилса арзигулик даражадаги иқтисодий ривожланиш ҳудудига айлантириш имкониятларини асослаб бердилар.

БМТ Бош ассамблеясининг, 48-сессиясида Президентимиз ғоятда салмоқдор маъруза қилиб, Ўзбекистон овози жаҳон узра илк бор янгради. Унга дунё афкор-оммаси қулоқ тутди. Қалбида Ватан, миллат туйғуси бўлган, эътиқодни ҳар нарсадан устун қўювчи юртдошларимизнинг хотирасида бу кун ҳеч қачон ўчмайди.

Халқаро алоқалар ҳақида гап кетганда, давлатимиз бошлиғининг хорижий элларга қилган ўнлаб сафарларини эсга олиш мумкин. Айниқса, Туркия Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Хитой, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Миср, Ҳиндистон, Нидерландлар Қироллиги, Германия, Франция, Буюк Британия ва бошқа қатор мамлакатларга расмий-амалий ташрифлар Ватанимиз иқтисоди ва сиёсатида туб ўзгаришлар ясади.

ЁШ ДАВЛАТИМИЗнинг ташқи сиёсатдаги муваффақиятли қадамлари ички ҳаётимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳам ташқи сиёсатда, ҳам ички сиёсатда Ўзбекистоннинг ўз йўли борлиги бутун дунёга эълон қилинди. Сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда шароит ва тараққиёт даражамиз, аҳолининг ижтимоий аҳволи ҳисобга олинганлиги мамлакатда барқарор вазиятни вужудга келтирди. Нарх-навонинг эркинлашуви жараёнида озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, болалар кийим-кечаклари нархининг бир қисми давлат бюджетидан қоплана бошланди, қариялар, фахрийлар, ногиронлар, талабалар. Моддий манфаатдорликка кенг йўл очилганидан сўнг деҳқонларимиз мақтаса арзигулик ютуқларни қўлга киритдилар.

1992-93 йилларда пахтадан мўл ҳосил олиниб, дастурхонимиз тўкин, насибамиз бут бўлди. Саноат корхоналарида иш мароми барқарорлашиб, айрим соҳаларда ўсиш кузатила бошланди.

Иқтисодий сиёсат ва тизимнинг ўзгариб бориши туфайли мулкчиликнинг бир неча турлари пайдо бўлиб, уларнинг тенглиги таъминланди. Қўшма корхоналар тузиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, тижорат ва ўзаро мол айирбошлашнинг ҳаётимизга дадил кириб келиши, шунингдек, банк ва молия, солиқ ва бож ишларидаги янгича муносабатларнинг рурию ифтихори жойига қўйилди. Биз ўткинчи ақидалар васвасасидан қутулиб, асрий қадриятларимиз томон юз бурдик. Миллий мафкурамиз асосларида буюк боболаримиз маънавий меросидан тортиб, Шарқу Ғарб тафаккурининг инсонни улуғловчи ғояларини кўрдик.

Марказий Осиёнинг бағрида жаҳонни ҳайратга солган, турк туғроси остида кўплаб маҳобатли салтанату империялар тиклаган қадимий халқ бугун қайта қад ростлаб, уйғониб, буюк давлат қуришга киришган экан, иншоаллоҳ, уни боболар руҳи қўллаб, пирлар мададкор бўлғай.

ЭНДИЛИКДА иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ фармонларнинг эълон қилиниши жамиятимиз ҳаётида янги бир тўлқин пайдо қилди. Бу бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулкни шакллантириш, барча иқтисодий-сиёсий тизимларни янгилаш сари катта ва ишончли қадамдир. Энди эскича фикрлаш, юқоридан буйруқ кутиш касалидан тезроқ халос бўлиб, ташаббускор, ишга ижодий ёндашувчан, фидойи ва ҳалол бўлишимиз лозим. Ватанимиз тақдири ҳал бўлаётган, бутун халқ юртбошимиз ғояларини қўллаб-қувватлаб, ўтказилаётган сиёсат ортидан эргашган бир пайтда четда туриш, ғирромлик қилиш, лоқайд бўлиш, асло мумкин эмас. Юраги юрт дарди билан ёнган, унинг истиқлолию истиқболини ўйлаган ҳар бир соф виждонли Ўзбекистон фуқаросининг мақсад-матлаби худди шундай!

Мустақилликнинг учинчи йили бормоқда. У барчамизнинг тақдиримизда катта из қолдирди. Нафақат Ватанимиз, балки ҳар бири миз шахс сифатида мустақил бўла бошладик. Юракларимизда юрт тақдирига масъуллик, жавобгарлик туйғуси кучая бошлади.

Равшан РАҲМОНОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон республикаси халқ депутати.

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ТАШАББУСКОРЛАР ҲИСОБИГА

Ҳўш, оммавийликка, миллийликка қандай эришиш мумкин? Обрў мисқоллаб йиғилганидек, ХДПнинг нуфузи ҳам аъзоларнинг фаол хатти-ҳаракати, яхши хулқ-атвори, шахсий намуналари, партияга садоқати ва эътиқоди билан ўлчанади.

Шунингдек, бу ўринда партия аъзоларининг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги, меҳнатга бўлган онгли муносабати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қаерда партия аъзолари жипслиги таъминланган, авангардлиги, уюшқоқлиги бир мақсад сари йўналтирилган бўлса ўша ерда ютуқлар сероб бўлади. Буни ХДП Навбаҳор туман кенгаши мисолида яққол кўриш мумкин. Чунки кенгашга уюшган қирқта бошланғич партия ташкилотида 1320 нафар аъзо бўлса, уларнинг асосий кўпчилиги биринчи бор сиёсий ташкилотга аъзо бўлган ёшлардир.

Кенгаш фаоллари, унинг ижроия бюроси сон кетидан қувишдан кўра сифат ва салмоқни муҳим билишади. Ана шунинг натижаси бўлса керак, 1993 йилда жами 110 нафар киши партияга қабул қилинган бўлса, уларнинг айтарли ҳаммаси ташаббускор ёшлар, ишлаб чиқариш илғорларидир. Бу ўринда кенгашнинг туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси билан амалий ҳамкорлигини алоҳида қайд этмоқ жоиздир. Худди ана шу ҳамкорлик партиянинг ёшлар ҳисобидан ўсишига олиб келяпти.

— Биз кўпинча КПССни буйруқбозликда, турғунликда айблаймиз, — дейди ХДП туман кенгашининг иккинчи котиби Шамсиддин Калонов. — Шу кун ХДП бошига тушмаслиги учун ишёқмас, лоқайд, эринчоқ, мансабга ўч аъзолардан халос бўлмоғимиз керак. Бунинг учун эса кенгашнинг ўзида, унинг ижроия бюросида узоқни кўра биладиган, кадрларни танлай оладиган, аниқроғи, янги аъзолар билан ишлашни ўзлаштириб олган фаоллар бўлмоғи лозим. Назаримда кенгашимизда ана шундай ишбилармон, изланувчан, жонкуяр кишилар етарли.

Дарҳақиқат, котиб сўзларида ҳақиқат мужассам. Амалий иш, янгиликка интилувчанлик, кадрларни танлай билиш тажрибаси етарлидирки, кенгашга «мен партиядан чиқаман» қабилидаги бирор ариза тушмаган. Аксинча, хоҳиш-истак, шахсий намуна, зўр эътиқод билан ХДПга кирувчилар муттасил кўпаймоқда. Масалан, 1994 йилнинг ўтган январь ойидаёқ меҳнатсевар ёшлардан кенгашга йигирмага яқин ариза тушди. Бу аризалар муаллифлари билан батафсил суҳбатлар, якама-якка мулоқотлардан сўнг яқинда бўлган бюро йиғилишида уларнинг ўн тўрт нафари аъзоликка қабул қилинди.

Улардан бири Тинчлик Аҳмедов. Бу ҳаракатчан, ҳамкасбларига нисбатан талабчан йигит туман электр тармоқлари бўлимида ишлайди. Тинчликдан бу сингари ечимга келганини сўраб-суриштирсангиз, шубҳасиз, ХДПнинг обрў ва нуфузи хусусида тўхталади. Яна бир шу партияга садоқат, ишонч билан кирган аъзо бу — Абдулла Қаҳҳор номли ўрта мактаб ўқитувчиси Гулсара Асадовадир. Бу муаллима ҳам партияга киришни ХДПнинг оммавийлиги, миллий истиқлол йўлидаги кураши билан боғлайди. Ёхуд «Зарафшон» жамоа хўжалиги сувчилари Вали Зоиров, Достон Ашуров, «Ижанд» жамоа хўжалиги аъзолари Холмурод Турдиев, Ғани Бердиев ҳам ўз ҳаётларини шу партия билан чамбарчас боғлаганликларини эҳтирос ва ҳаяжон билан маълум қилишди.

Энг характерлиси, бу-болажон тарбиячилар — Шоира Пўлатова, Ойсанам Рўзиева, Шаҳодат Боеваларнинг гапни бир жойга қўйиб, янги йил бошидан ХДПга аъзо бўлиб кирганликларидир. «Гигант» давлат хўжалигининг «Гулшан», «Лола», «Нилуфар» боимий болалар боғчалари мудиралари бўлган бу ташаббускор ёшлар эндиликда бизнинг партиядошлар ҳисобланишади.

Муҳими, бу — ташаббускор, тадбиркор, ишбилармон ёшлар ҳисобидан ХДПнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсаётганидир. Бундан мамнун бўлмоқ керак.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Юсуф Қурбонов котиблик қилаётган ҳудудий партия ташкилоти ўз аъзолари сафини кун сайин кўпайтириб бормоқда. Бу ташкилотга Қайраун маҳалласи, Даҳбед кўчасида яшовчи, 6-ўрта мактаб ҳамда бухгалтерлар тайёрлаш мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари бирлашган.

Яқинда бухгалтерлар тайёрлаш мактабида партия сафига қабул қилинган ёшлардан бир гуруҳига янги билетлар топширилди. Шу муносабат билан бўлган йиғилишда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р. Юсупов партия ташкилотларида олиб борилаётган сиёсий-ташкилий ишлар ҳақида ахборот берди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби И. Суюнов ёшларга партия билетларини топширди ва уларни жамият ривожи йўлида фаол бўлишига чорлади.

— Мен дўстларим билан Халқ демократик партияси сафида бўлишни истадим,— дейди талаба Ғайрат Бобобеков. —Партиянинг халқчил Низоми ва олиб бораётган тўғри сиёсати бизни ана шунга ундади.

Дарвоқе, ўша куни ўқитувчи ва ўқувчилардан 35 киши янги билетлар олди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ БИЛЕТЛАР ОЛИШДИ

ВИЖДОНАН ИШЛАШ КЕРАК

Партия сафига янги аъзолар қабул қилиш ва кенг жамоатчиликнинг ишончини қозонишда Жиззах шаҳар солиқлар инспекцияси, Марказий шаҳар касалхонаси, пластмасса заводи, пайпоқ тикув фабрикаси, 8-ун комбинати бошланғич партия ташкилотларини ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин.

Аммо, шаҳардаги қатор ташкилотлар борки, ўтган йил давомида бирорта ҳам кишини аъзоликка ўтказмади. Бу ердаги таъмирлаш корхонаси, пахта тозалаш заводи, «Гўзал» савдо жамияти, таксопарк, шаҳар санэпидстанцияси ва 9-қурилиш трести бошланғич партия ташкилотларининг котиблари Р. Жавлонов, З. Абдуллаев, З. Мавлонова, Б. Пардаев, Х. Турсунов ва Б. Ғаниевлар партиявий ишга бепарволик ва совуққонлик билан қараб келмоқдалар.

Қаерда ишга нисбатан масъулият билан ёндашилаётган бўлса, ўша ерда ижобий силжишга эришиляпти. Буни шаҳардаги Абдужаборов номли маҳалла ҳудудий партия ташкилоти мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили тузилган бу ҳудудий партия ташкилотида аъзолар сони дастлаб олти нафар эди. Шу йилнинг февраль ойида яна олти киши ХДП сафига қабул қилинди.

Ҳудудий партия ташкилоти котиби Маҳкам Юсупов Жиззах шаҳар, ҳокимининг муовини бўлишига қарамасдан маҳаллада таргибот ташвиқот ишларини, тарбиявий аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишга ҳам вақт топади. Унинг фаол ҳаракати туфайли қисқа фурсат ичида маҳаллада ободончилик ишлари жонланиб кетди. Ёшлар тарбиясига эътибор янада кучайди.

Кейинги пайтда Жиззах шаҳар партия кенгаши ҳудудий партия ташкилотларини тағин ҳам мустаҳкамлашга ва улар сафини кенгайтиришга эътиборни кучайтирди. Бу ўз навбатида партиянинг омма орасида обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Ўйлаймизки, юқорида номлари қайд этилган бошланғич партия ташкилотлари ҳам ўз ишларида кескин бурилиш ясайдилар.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалиги бу йил ҳам баҳорги экиш ишларига тайёргарликни бошлаб юборди. Хўжаликдаги мавжуд 2450 гектар пахта майдони ўтган йил кеч кузда шудгорлаб қўйилган эди. Ҳозир техника ёрдамида эгат тортиш бошланди.

СУРАТДА: хўжаликнинг илғор механизатори Икром Расулов.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

• *Китоб жавонингизга*

ҚЎШИМЧА ҚЎЛЛАНМА БЎЛА ОЛАДИ

Яқинда академик Эркин Юсуповнинг «Истиқлол шабадалари» номли асари нашрдан чиқди. Чуқур, мустақил фикрлаш имкониятига, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу олимнинг асари совет тоталитар тузуми барбод бўлиши сабаблари, қайта қуриш деб номланган сиёсат сабоқлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг айрим назарий, амалий муаммоларини фалсафий, тарихий таҳлил этишга бағишланган.

Ўртага қўйилган айрим муаммолар мунозарали бўлса ҳам ҳар ҳолда муаллиф ўз фикрларини атрофлича асослаб беришга ҳаракат қилган. Асар қўлёзмаси асосан 1991 йилда ёзиб тугалланган бўлсада унда кўтарилган муаммолар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Асарда мураккаб назарий масалалар оммабоп ва тушунарли услубда ёритилган. Китобхон асар билан танишар экан, уни ўқиб тамомламагунча, бир чеккага йиғиштириб қўёлмайди. Ҳар ҳолда менинг асар ҳақидаги таассуротим шундай бўлди.

Мустақиллик назарияси ва миллий истиқлол мафкураси муаммоларига катта эътибор берилаётган ҳозирги кунимизда Э. Юсуповнинг бу асари ижтимоий фанлардан сабоқ берувчи ўқитувчилар, кўплаб жамиятшунос олимлар учун қўшимча қўлланма бўла олади, деб ўйлайман.

А. АЮПОВ,
ТошДУ гуманитар факультетлар фалсафа кафедрасининг профессори.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан Темирйўл туманидаги Ғафур Ғулом номли маҳаллада «Бола азиз — одоби ундан азиз» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Маҳалла кенгаши раиси Ҳамид Маҳмудов, маориф ходимларидан Норчучук Султонова, Тожихон Облоқулова, Ҳалима Ғуломова, ўсмирлар билан ишлаш инспектори Нормурод Худойқулов оиланинг бола тарбиясидаги аҳамияти ҳамда бу ишни яхшилаш йўл-йўриқлари хусусида мулоҳаза билдирдилар.. Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Абдулла Мелиев ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ҳамда уни маҳалла ёрдамида янада мустаҳкамлаш хусусида фикр юритди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Раҳимжон Юсупов маҳаллаларда олиб борилаётган партиявий ишларга тўхталди.

Т. ФАРМОНОВ.

ОИЛАНИ УЛУҒЛАБ

ангиликлар Воқеалар ҳабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТЎРОН...“

ҚОЗОҒИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЯНГИ ПАСПОРТИ

АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шахсини тасдиқловчи ва аҳолини ҳужжатлаштириш тизимини тадбиқ этиш борасида миллий паспорт тайёрлаш ҳуқуқини олиш учун ўтказган танловда «Гизекке ва Деврнент» немис фирмаси ғолиб чиқди.

Ана шу ҳуқуқни олиш учун беллашганлар орасида АҚШ, Испания ва Францияниинг 6 та фирмаси ҳам бор эди. «Гизекке ва Деврнент»нинг таклифи Қозоғистон учун анчагина мақбул кўринди. Шунинг учун ҳам бу таклифнинг иқтисодий жиҳати ҳозирча сир тутилмоқда.

Эндиликда 1 июндан бошлаб Қозоғистонда уч хил кўринишдаги асосий ҳужжат пайдо бўла бошлайди. Халқаро мақомга эга бўлган мовий муқовали паспорт узоқ хорижий мамлакатларга бораётганларга берилади. Юқори мартабали дипломатлар ва давлат арбоблари яшил муқовали дипломатлик паспортини оладилар. Қозоғистоннинг қолган фуқаролари эса ҳайдовчилик гувоҳномасини эслатувчи ҳажм ва шаклдаги шахсини тасдиқловчи гувоҳнома оладилар. Уларда қўшимча маълумотлар (миллати, ҳарбий хизматга алоқаси, оилавий аҳволи ва бошқалар) кўрсатилмайди, фақат отасининг исми, ўзининг исми, уй манзили, фуқаролиги ёзилган ва сурати ёпиштирилган бўлади. Бундай гувоҳномаларни фақат республика фуқаролигини олган кишиларгина оладилар. Қолганларга бошқа мамлакатларнинг гувоҳномаси ҳам яшаш учун ҳужжат ўрнини босиши мумкин деган фикр билдирилмоқда.

ГАЗ МУАММОСИ

АШГАБАТ. Туркманистон ҳукуматн Украннага ўтган ҳафтада юборган телеграф хабари натижасиз қолмоқда. Хабарда Киев қарзларни бундан буён яна тўхтатиб турадиган бўлса, газ жўмракларни беркитилиши маълум қилинган эди. У ердан жавоб олинавермагач, газ тўхтатилиши ҳақида буйруқ берилди.

Туркманбоши Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда мажлисини чақириб, бу чора фавқулодда ва ҳукумат режасига кирмайдиган тадбир, деб айтди. Аксинча масалани барча қулай воситалар билан ҳал этиш чоралари кўрилди... Туркманистоннинг пешвоз одимлари Украина томонидан етарли қўллаб-қувватланмади ва бунга афсуслик билдирилади.

Сапармурод Ниёзов туркман гази истеъмолчиларининг мунтазам қарзини тўламаслиги далилини изоҳлаб, мамлакат иқтисодий машаққатлари ҳақида гапирди. «Биз қарздорларнинг аҳволини тушуняпмиз, шунинг учун ҳам ён беряпмиз», деди. Кейинги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, туркман хазинасига бир ярим миллард кам тушганлиги тўрт миллионли мамлакат аҳолисига оғир ботмоқда.

Украина асосий қарздор. Ўтган йил учун 700 миллион доллар пул газ учун олинмаганлигига қарамай, Туркманистон томони бу қарзни икки йил мобайнида тўлаш ва 1994 йил гази учун эса ҳар ўн кунда тўлаш ҳақида ҳужжат имзолаган эди. Февраль ойи ўтиб борди, пулдан дарак йўқ.

Бундан ташқари, Арманистон, Грузия ҳам қарзини узмаса, газ юборилиши дарҳол тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР АВФ ЭТИЛДИ

БИШКЕК. Қирғизистон парламентининг кейинги сессиясида депутатлар ҳарбий хизматчиларни авф этиш тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар. Қисмдан ўз билгисича чиқиб кетганлар, қочоқлар ва ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлар бу қонундан фойдаланадилар. Авф этиш муддати 3 ой белгиланган. Бу вақт ичида суд идораларидан яширинган юрганлар агар ўзлари келиб учрашса, гуноҳидан кечилади.

ЯНГИ АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

АШГАБАТ. Сапармурод Ниёзов Буюк Британия элчиси Браэн Фоллин қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг келгусидаги режалари муҳокама қилинди.

Ҳозирги пайтда Туркманистонда Англиянинг бир неча салмоқли компаниялари муқим жойлашиб олган. Республика Фанлар академияси билан Қироллик илмий жамияти ўртасида яхши алоқалар ўрнатилмоқда. Маълумки, Туркманистон тарихига оид энг қадимий ва ягона қўлёзмалар Буюк Британиянинг Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Ана шунинг учун ҳам жаноб элчи туркман тарихчиларининг Лондондаги китоб хазинахоналарида ишлашлари учун ижозат олишга ҳаракат қилиши тўғрисида ваъда берди.

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА СУВ БОРМОҚДА

АШГАБАТ. Чоршангин этрапининг Гари-Гала қишлоғи аҳолиси саккиз километрли қувурдан оқиб келаётган сувдан баҳраманд бўла бошлади.

Янги сув томири «Туркманминерал» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган пўлат қувурдан оқизилмоқда. Бу ҳаёт манбаидан Кугитанг водийсида кўчиб юрадиган қўйчивонлар ҳам ўз чорваси учун фойдаланмоқда.

ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

ДУШАНБЕ шаҳрида Италия услубида тикланадиган, халқаро талабларга жавоб берадиган беш юлдузли меҳмонхона мажмуининг лойиҳаси тасдиқланди.

Ҳозир мазкур қурилишнинг техник-иқтисодий асоси тайёрланмоқда. Италиянинг «Альфе АГ Хупсльдорфер штрабб» фирмаси қурилиш учун зарур материаллар етказиб беришни ўз зиммасига олган.

(Марказий Оснё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ангиликлар Воқеалар ҳабарлар

«ҲАР ЯПРОҒИ ЮРАКДАЙ ТИТРАБ ТУРГАН ДАРАХТМАН»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВАНИНГ ЯНГИ ШЕЪРИЙ ТЎПЛАМИ ҲАҚИДА МУХТАСАР ЎЙЛАР

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ғанимат кунларнинг сояси ҳам кўзга суртгулик. Бугун биз моҳиятини ўз тафаккуримиз доирасидагина таҳлил этаётган шу эркин, озод кунлар халқимизнинг бир ярим асрга яқин тарихини чангаллаб турган қонли қўллар қайириб ташланган, ҳаётга бир мартагина келадиган инсоннинг табиий эҳтиёжи, ҳуқуқи бўлмиш ўз она-Ватанингда мустақил, озод яшаш бахти қайтган давр — янги тарихимизнинг олтин остонаси.

Ватан қадрини уни ноиложликдан йўқотганлар, оби ҳаёт қадрини саратон куни саҳро жазираси тиғига дучор бўлганлар, она қадрини волиданинг иссиқ кафти, кўкси, меҳрига зор бўлиб ўтганлар... ва шу каби эрк қадрини жон-жонидан соғинч ситилиб чиққанлар теран ҳис этадилар.

Дарвоқе, биз ундан икки ярим йилгина муқаддам ҳам эрк соғинчи ҳақида барчага эшиттириб гапириш имкониятига-да эга эмасдик. Лекин... авлод-аждоди улуғ шажаралар, қутлуғ илдизлардан сув ичган ғурури, сурури асос дарёларга монанд халқнинг фарзандлари қони, руҳидан ўз-ўзингга бек бўлмоқ истагини ювиб ташлаш осонми?

Эрк ифодаси бу — музаффарлик қўлга тегкандан сўнггина баланд пардаларда айтиладиган қўшиқ, жарангдор нутқлар эмас. Синовлари бисёр дунёнинг тунд осмонидан кўрқмай, ердан қорлар кетар-кетмас йилтираб қўринган куртак Она замин юзига чиққунча ўз қудратидан неча бор кучли тўсиқларни енгиб ўтган экан? Унга эрк истаги музаффарлик бахш айлаган. Етмиш йил эскилик сарқити деб қатағонга олинган бешикларнинг оҳиста-оҳиста тебранишида ўзликка, эркка талпинган туйғуларнинг тантанаси бор. Фақатгина араб алифбосида ёзилганлиги учун ёндирилган минг йиллик китобларнинг эркин руҳи дилларимизнинг тўрида ҳушёрликка чорлаб тиловатлар қилади...

Ниҳоят, қўлимга яқиндагина қувонч билан олганим, юрак, эътиқод, шеъриятдай мисли сиз чаманга ихлос осмонларида яна янги чақмоқлар чаққан китобга қайтаман.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

Эҳ, совет империясининг маккор сиёсати! Аста-секин таъсир этувчи оғу, фурсат ўтиши билан портлаши, емириши яқинлашувчи совуқ қурол каби онгимизни, руҳимизни карахтлик, лоқайдлик, умидсизлик, мутелик ҳислари билан лойқалатиб борувчи не сафсаталарни сингдирмоққа уринди! «Ўзбек аёллари асрлар давомида ожиза, асира, эрку ихтиёрсиз, бечораю хор бўлган», — демоқ билан сиёсатдонлар тинмай таъкидлаб, миннат қилиб (гўё ўзлари эрку ҳуқуқ бергандай!), қалбларимизни тепкиладилар, қадримизни ерга урдилар, ҳақиқатан ҳам ожизалик, бечоралик уруғини шууримизга экмоққа ашаддий уриндилар.

Мен шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса, бас.
Менинг қалбим шундай севгига молик,
Бир чирсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам ҳам,
Шунчаки демоқ бу шоирга ўлим.

70-йилларнинг бошлари... Айтиш мумкинки, истибдод тузумининг энг оғир жароҳатлари аёллар — оналар тақдирида томир отиб, газаклаб бораётган давр. Сув текин нархга сотиладиган пахта меҳнатига ўзбек хотин-қизлари чирмаб ташланган. Болалар ўлими иттифоқдош республикалар орасида юқори ўринда, лекин серфарзанд хонадонлар аҳволи билан марказий шаҳарларнинг бир-иккитагина болали оилалари шароитини солиштириб, шунга асосланган ҳолда амалий тадбирлар белгилаш ҳукуматнинг етти ухлаб тушига кирмасди. Ҳаёт қийинчиликлари айрим онахонларимиз, опаларимизни айни ақлу кучга тўладиган ёшда қаритиб, руҳларини сўндираётган йиллар эди...

Инлар оша сездирмай кенг келиб қолар
узук,
Беш-ўн қадам йўл юрмай юракда
гурс-гулдирак.
Бундай пайтларда ҳаёт, айтмаганинг ҳам
тузук,
Ёрилиб кетиши бор сени севгувчи юрак.

Шундай, соғлом келажакни яратиш аввалу охир вазифаси бўлган аёл зоти «Беш-ўн қадам йўл юрмай юрагини гурс-гулдирак» емира бошлаган даврда «Овоз пардалари чидаб бергунча» ва ундан ҳам баланд мақомда куйлаш, бир чирсиллаб ёнмоқ истаги, маним назаримда, Ҳалима Худойбердиевани нг ўз ижодигагина тааллуқли ният эмасди. У жонига жондош, қондош, тақдирдошининг ҳаёти киши кейинчалик армон қилмайдиган, тутаб ўтмайдиган бўлишини, қалбининг, овозининг, ақлу шуурининг эрки тўкис намоён бўлишини соғиниб ёзган.

70—80 йилларда Ҳалима Худойбердиевани нг муҳаббат мавзуидаги шеърларидан ёд билмайдиганлар камдан-кам топиларди. Шундай кайфиятни сезардикки, ўша машҳур шеърларни ҳар ким ўзича: «Мен ҳаммадан ҳам яхши, таъсирчан ўқийман», — деб биларди. Демак, улар шеърхоннинг бир умрлик кўнгил ганжинаси бўлиб қолганди. Муҳаббат ҳақида шеър кўп эди, аммо илоҳий ишқ эътиқодию миллий туйғулардан йироқлариям бисёр эди. Мана бу сатрларни яна бир бор диққат билан ўқийлиг-а, уларда совет тузуми тарбиялаган шаккок, беҳуда ғурури аёл номига ярашмаган қаҳрамонни эмас, ўз масъумлиги, маъюслиги, мунислиги билан гўзал қалбни кўрамиз:

Ҳар гап ўтса мендан ўтди, сизда гуноҳ
йўқ, бегим,
Ўзим сизни отдим, ёраб, сўздан ясаб ўқ,
бегим.
Ўйладимки, сизнинг бу ишқ кулдай сўниб
тўзгандир,
Бугун нечун юрагимда лаҳча-лаҳча чўғ,
бегим.
Қўлларимдан учган қушим қайтиб қўнгаймиш
боққа?
Кимга айтай сирларимни, кимни тутай
сўроққа?
Донини қуш, қузғунга ем қилган ношуд
деққонман,
Буғдойни йиғиб олмай келганда авж
ўроққа.
Энди сизнинг хотир билан иноқ суҳбат
қуриб мен
Аччиқ, аммо умидли бир достон айтиб
юрибман.
Узун-узун бу бармоқлар қуш қўнмаса на
ҳожат,
Қўлларимни узатганча сизни кутиб
турибман.
Ҳар гап ўтса мендан ўтди, сизда гуноҳ йўқ,
бегим...

Ҳалима Худойбердиева шеъриятининг қалбида Ўзбекистон дардларини кўксига жойлаб, шу юрт шарафини бошга тож деб билган аёл — онанинг музаффар Ватан тарихидан ғурур, бугунги муаммоларидан бағирпоралик, авлоду аждодлар руҳидан имдод сўраган ҳолда келажакка чанқоқ умид жам бўлган. Шунинг учун ҳам у қайси мавзуда: муҳаббат ҳақидами, онаю болалик туйғулариданми, диёру миллат тўғрисида ёзадими — ҳаммасида изтироблар ҳам ёрқин, ҳайрли, илдизлари тиниқ ниятлардан сув ичади...

Аёли бахтли бўлмаган мамлакатда ҳеч ким чин саодат юзини кўрмагай. Тенг ҳуқуқлилик шиори остида хотин-қизларнинг поймол бўлган қадр-қимматларини Ҳалима Худойбердиева зарра-зарралаб теради, жамиятнинг қорачўғри узра қўйиб,—боқий ва шафоатли ҳақиқатни тиқлаш йўлида бахши бўлиб куйлайди:

Инғласангиз йиғланг ҳушёр, сергак учун,
Не бир яхши, ёмон кунда тиргак учун.
Опам, синглим, кўз ёш тўкманг сира-сира
Аёлга бахт беролмаган эркак учун.
Тулпорларим, укам, акам, оталарим,
Минг-минг уйли халққа эҳсон, атоларим,
Ҳали мунглиғ аёл кўнглин топмабсизми,
Босган изи хатоларим, хатоларим.
Эл қолмайдир фақат бойлик, ерлар билан,
Одам топиб кўр-чи на сим, на зар билан,
Гумоним йўқ, қай эл қолса яшаб қолар
Аёлни элим деган эрлар билан!

* * *

Аёл йиғлаган элда
Ор йиғлайди, менимча,
Умиди оқиб селда
Бемор йиғлайди, менимча,

— дейди шоира яна бир шеърида. Энг муносиб, мухтасар сўзларда айтилган бу сатрлар қуйма бўлиб қалбингга сингиверади. Бу фикрлар юрагининг қоқ ўртасидан чақмоқ каби чақиб, тиғдек ярақлаб ўтаркан, шоира халқнинг тарихий изтиробларини янгидан яшамайдими? Худди шу изтироблар унинг аламангиз дили, тилини жаранггос қилади. «Иккиланиб босилган йўл унмас экан, унмас экан». Ҳа, айниқса халқнинг қисмати тарихнинг ҳал қилувчи даврларига келганда, унинг ишонч, ғурур, эркка ташналик байроғини баланд кўтаргувчи шоирлари бор миллатнинг толеи қанчалар мунаввар бўлади!

Юрагим бехосдан кетдию порлаб,
Елғиз кўтаролмай хаёлларимни,
Яшадим бир қадам олдинга чорлаб
Дунёнинг қимтинган аёлларини, —

Бу шоиранинг ўн йиллар муқаддам битган сатрлари. Дунёда ўзбек аёлидан ҳам қимтинганроқ, камсуқумроқ зот бормикин?

Бир қадам бўлса ҳам олдинга ташланг
Қарорни, тахминни, чама олдинга.
Қўйнинг терисини уқалаб, ошлаб
Кунгайда ўтирган момо, олдинга.

Фақат қизил яловбардорлар шеъру достонлар, жилд-жилд китобларнинг қаҳрамонлари бўлган замонда «Қўйнинг терисини уқалаб, ошлаб Кунгайда ўтирган момо»ни дил салтанатига ўтқазиб, уни ўз юксак ниятларига ҳамроҳ этмоқ — она замин, она халқ, онамерос чашмаларга чин фарзандлик масъулияти ифодаси. Аёлга ҳамдиллик, ҳамдардлик— Ҳалима Худойбердиева шеъриятининг юраги. Шу зайлда у 20-30 йилларда ўз миллатини бир қадам олдинга чорлаб яшаган ажойиб миллатпарварлар, ватанпарварлар, фидоийлар сафига қўшилади. Улар истибдод тузумининг қатағон йилларида ўз умрларини гаровга қўйиб куйлаган эрк, озодлик қўшиғини давом эттириш учун адолатсиз совет замони тошларга уриб синдирмоқчи бўлган созни маҳкам тутади:

Тилимни боғлама, тилим — жаранггос,
Бугун қўнғироқмен, бир илоҳий соз,
Эрта менга деса шу тилимдан ос,
Эрта мендан балки бу шаҳд кетадир.

Бандаси ўз шахси ҳақида гапирганда, келажагини Аллоҳдан умид қилиш — мусулмончиликдандир. Шу жиҳатдан Ҳалима опанинг «Эрта мендан балки шу шаҳд кетадир», —демоқлиги-ярашимли. Аммо шоира ижодининг ўтган йўлларига қараб аниқ хулоса чиқармоқлик мумкинки, Ҳалима Худойбердиева «мен»и шеърлардан шеърларга янги баркамоллик қирраларини касб этиб борди. Илк даврларда муҳаббат мавзуидаги шеърларида Зебуннисо момомиз сингари тўкис бахт талабгор бўлган қиз қалби йиллар ўта бутун миллат аёлларига толе, саодат талабгор бўлган ўктам аёлга:

Белгинангга тирак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон қуёшга боқ унга қасдма-қасд,

деб давраларда қимтиниб турган она халқнинг қаддини кўтармоққа интилган фарзандга:

Силкиндим, қадим Турк лошин кўтардим,
Ғанимнинг бостирган тошин кўтардим,
Улимнинг эгилган бошин кўтардим,
Худойим ўлимга подшоҳлик бер.
Ўйларман, мен кимнинг урвоғи, мен ким,
Тилимни ўлим ҳам қилолмагай жим,
Сўйларман гўримни босганда ҳам чим:
«Худойим, элимга подшоҳлик бер»,

деб муножот қилаётган она сиймосига айланади.

Ўтган қаро кунлардан ҳали-ҳануз карахтман,
Ҳар япроғи юракдай титраб турган
дарахтман,
Шу ҳолда ҳам олдинга ташлангувчи тик
шахдман,
Болаларим, қадни кўтаринг.
Бобо Темур уйқуда. Темурларим, сиз туриб,
Қўзғолган етмиш икки томирларим, сиз
туриб,
Ишонган ҳоқонларим, амирларим сиз туриб
Хоксор миллатни кўтаринг.

Шоира шеърларида барҳаёт қаҳрамон — Тўмарис сиймосига қайта-қайта мурожаат этади. Тўмарисннг тарихий қаҳрамонликлари баёнини такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин ўтмишимизнинг муқаддас обидалари, қадриятлари қаторида асрлардан асрларга ҳар бобда шону шараф билан ўтган миллатимиз, қавмимизнинг ўз ғурури, ор-номуси учун жонни тикишгаям тайёрлик туйғуларини руҳимиздан емиришга уринганларини, ҳаққи рост гап, ҳаммамиз ҳам тушунаверганимиз. Ўзгаларни заррача камситмоққа ҳаддим йўқ, аммо адолат тарозуси билан ўлчаганда, бизга тарих ва жамиятшунослик дарсларида ҳамиша ибрат қилиб ўқитганлари — Надежда Крупская, декабристларнинг хотинлари, Карл Маркс қизларининг шижоати, фидоийлиги, мардлигини Тўмариснинг — ўз шахсий бахтидан, оналикнинг бетакрор армону иштирокларидан Ватан, халқ эркини минг чандон юксак қўйган миллат онасининг мардона матонатига тенглаштириб бўлармиди! Ўзлигини таний бошлаган фарзандларимиз қалбига Тўмарис жасорати қанчалар сурур бахш этади! Афсуски, етмиш йил мобайнида биз тарихдан ҳам, адабиётдан ҳам, жамиятшуносликдан ҳам ёт элларнинг ҳаёту қаҳрамонликларини ўқидик. Бизга уларни ибрат қилиб кўрсатишди — эссиз умр, илмилиқ лойқа таассуротлардан тафаккуримиз қирралари силлиқ бўлиб қолди. Бундай пайтда ҳар бир халқ учун ўз тарихининг нурли саҳифаларини ўқиб, ундан мадад олмоқдан қудратли куч борми?

Тўмарисннг қўлларидан
Туғ олмаган аёлмас...

дейди дард билан шоира. Чунки мутелик, эрксизлик халқ бошига солган турли шўришу маломатлар «Бир четида онаси қуёшдай ботган. Бир четини отаси қўриқлаб ётган» Ватан фарзанди то тирик экан, адолатсиз ҳукмлар билан келишолмайди.

Дилда ўсиб, нураб юрган бойлигим,
Бор дунёдан сўраб юрган бойлигим,
Иймонимга ўраб юрган бойлигим,
Ўз элимни шафқатинигга зор қилма.
Бор юмушим битиб кетар маҳалим,
Нурай-нурай йитиб кетар маҳалим,
Сўрай-сўрай ўтиб кетар маҳалим,
Илтижом шу: «Туркистонни хор қилма».

Некбин сиёсат арбоблари мамлакатни айнан ўз ичидан емириш билан устиворликка эришмоқни ният қилган эканлар, икки дунёда муродларига етмасин! Шунинг учун ҳам шоира қондош, жондош, киндик қонлари томган тупроқлари туташ, тиллари бир қавмларнинг жипслигини Яратгандан ўтинади.

Бу буюк бирдамлик йўлида, комил фарзандлар қаторга кирмоқлари йўлида шоира — аёл — она-Ватан ўғлонларига ёлғизгина умрини кафтга қўйиб тутади:

Эй ўғил, биз сиза жонни ичирдик,
Қонимиз ичирдик, қонни ичирдик.
Воз кечдик, шуҳрату шонни ичирдик,
Қониб ичдингизки, чўлламагайсиз.
Дунёда ишимиз сеҳру тилмочлик,
Сотқин замон келса, наҳс, яланғочлик,
Ҳар ҳолда сулайтиб қўйса ҳам очлик,
Шўрлик онангизни пулламагайсиз.

Қувонч уммонига чўкканда бошлар айланиб, кўзлар тиниши ҳам табиий. Бундай пайтда орқада қолган йўл азоблари тез унутилади, зафарнинг асл баҳосини ўлчайдиган тошлар енгилгина бўлиб қолади... Ривоятларда айтилганки, бир пайтлар чўпонлик қилган подшоҳ ўтмишини эсдан чиқариб, шоҳлик қадр-қимматини йўқотиб қўймаслиги учун чўпонлик таёғини рўпарасига илиб қўйган экан. Ҳалима опанинг кейинги йилларда ёзилган шеърларида юракнинг эски дардлари тез-тез янгиланиб туришини кўрамиз.

Ўртоқларим, жони пўлат, жони қил,
Бири сариқ, бири камқон бири сил,
Ҳали уз-оқ даволанар, узо-оқ йил,
Ўлмай қолса бўлди. Қайта бўлмас моҳ,
Қўлларимнинг кишани йўқ, ё Оллоҳ.

Бугунги куннинг моҳиятини кечаги адолатсизликлар оқибатларига солиштириб аламли куйламоқнинг таъсири беқиёс, албатта. Инсоният табиати асли ўзи шунақа: яхши кунларда ўтганларнинг руҳи поки хотирланади, улар етмаган армонларга авлодлар сазовор бўлмоқлари учун ҳақиқат юзига тик қаралади.

Республикамизнинг табиий, маънавий имкониятлари, иншооллоҳ, иқтисодий қийинчиликларнинг аста-секин ҳал бўлиб боришига тўла имкон бергай. Бунинг энг муқаддас гарови Мустақиллигимиздир. Насиб этса, модий тўкислик ҳаётимизнинг кундалик қиёфасига айланар. Аммо етмиш йиллик маънавий истибдоднинг жароҳатлари, қалбимиздаги бўшлиқларни тўлдирмоқ, тўкин дастурхон яратмоқдан неча бора мушкулу мураккаб масъулият! Мана шундай даврда қалб кенгликларига кўкдан ёғган оби ҳаёт каби тақдим этилган янги шеърий мажмуа муборак бўлсин, азизлар!

Шундайин сас, садо келар олдиндан,
Қасрларим қуйилажак олтиндан,
Юртнинг тупроғига дўниб мен чиндан
Ер юзининг кунгай ёғи бўлурман!

Озод юртнинг озод халқлари номидан айтилган бу ҳур сатрлардаги тилак ижобатини кўриш, илоҳи, ҳаммамизга насиб этсин!

М. УЛУҒОВА.



Оқолтин тумани меҳнат аҳли Замира Мўйиновани яхши танийди, ҳурмат қилади. Мана у 40 йилдан бери ўқитувчилик касбини ардоқлаб келади. Она шу тумандаги Зафар Диёр номли 24-бошланғич мактабда ўғил-қизларга таълим беради.

СУРАТДА: Замира Мўйинова.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЕР ВА ОСМОН СУЛТОНИ

Мирзо Улуғбек нафақат коинот илмида балки салтанатни бошқаришда ҳам жасур, одил султон сифатида тарихда муносиб из қолдирган. Шу сабабли юртдошлари —самарқандликлар буюк алломанинг 600 йиллигига ўзгача ҳурмат-эътибор билан ҳозирлик кўрмоқдалар.

Вилоят ҳокимлиги, «Буюк олим Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Юбилей муносабати билан Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси, Амир Темур мақбараси маҳаллий маблағлар ҳисобидан таъмирланади. Самарқанд шаҳрида Марказий Осиёни ўрганиш институти ташкил этилади. Бундан ташқари, музей-қўриқхонада «Улуғбек даҳоси авлодлар ҳаётида», «Темур ва темурийлар» кўргазмалари уюштирилади. Вилоят мусиқа ва драма театри Улуғбек ҳақидаги асарни саҳналаштиришга киришди.

Самарқандлик тарихчи Амириддин Бердимуродов «Ер ва осмон султони» деб номланган тарихий публицистик асарини ёзишга киришди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Тиббиёт муассасаларида*

«ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛСИН!»

Кимни? Нимани? Йўқ, ажабланманг, ташвишга ҳам тушманг. Гап бошқа ёқда. Эшитинг:

«Дезинфекция» деганда нимани тушунасиз? Гоҳо бир-биримизга «фалончининг уйини дўхтирлар келиб дорилаб кетибди, бир балоси бордир-ов» деб қўямиз. Биров билади, биров билмайди. Умуман, бу хизматнинг бугунги аҳволи қандай?

«Мен станция бош шифокорининг ҳисоботини эшитиб ҳайрон қолдим. Ўтган йили гўё ҳамма ишлар яхши якунланган, Тошкент шаҳрида юқумли касалликлар билан оғриганлар ўз вақтида касалхоналарга ётқизилган. Йўқ, Карим ака (**К. Ортиқов, шаҳар дезинфекция станцияси бош врачи**—таҳририят.), бугун ҳақиқатни айтайлик. Яшириб нима қиламиз? Нега бу рўйхатларга шундай хасталикларга чалиниб, уйларида қолиб кетган 3 мингга яқин беморларни киритмадингиз? Сариқ касаллиги шаҳарда кўпайиб кетди-ку. Йўқ, бунда мен фақат сизни айбламоқчи эмасман. Биринчи навбатда поликлиникалар хизматчилари кўп нарсадан бехабар. Ўзларига бириктилган участкаларни назорат қилмайдилар. Сизлар билан улар ўртасида алоқа деярли узилиб қолган. Ҳалигача кўпчилик орасида дезинфекция хизматига ўгай кўз билан қараш давом этаяпти. Ана шуларни гапиринг...»

Бу сўзларни шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев дезинфекция хизмати ходимларининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган катта йиғилишида куюниб-куюниб гапирди. Сўнг...

Очиғи, бундан аввалларида ҳам тиббиётчиларнинг кўп йиғинларида қатнашган эдигу, лекин бу йилгисида ўзгача руҳни кўрдик. Ютуқлар, муваффақиятлар ўз йўлига. Ҳали қилинмаган, ечимини излаётган муаммолар хусусида кўпроқ мулоҳазалар билдирилаётгани бу соҳада анчагина ўзгаришлар сезилаётганини кўрсатади. Айниқса, шу куни дезинфекция хизмати ходимларининг оғир ва мураккаб меҳнатлари ҳақида ҳам алоҳида гапирилди. Чунки улар даренинг бошида туришибди. Ичаётган сувимиз, истеъмол қилаётган мева-чеваларимизнинг тозалигини шулар назорат қиладилар. Ўз вақтида бизларни огоҳлантириш, қолаверса саломатлигимиз муҳофазаси ана шуларнинг қўлида. Гоҳо бепарво бўламиз. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг заҳматли меҳнатларини қадрламоқ керак.

Биз ўша кунги йиғилишда гапирилган кўп фикр-мулоҳазаларни шарҳламадик. Негаки, уларда билдирилган муносабатларнинг аксарияти дезинфекция хизматини янада яхшилаш ва бошқа соҳа кишиларининг улар билан алоқасини тиклаш ҳақида бўлди. Яна бир эътиборли жиҳати, бошқарма бошлиғи бугунги кунда пойтахтда кўпчилигимизни ташвишга солаётган кўчакуйлардаги саёқ ит-мушукларнинг кўпайиб кетаётгани ҳам бундай хасталикларни тарқалишига сабаб бўлаётгани, энди ўз уйларида бундай ҳайвонларни асраётган кишиларни қатъий назорат қилиш ҳақида ҳам гапирди.

«Тутиб, зарарсизлантирилсин!» Эсладингизми, шундай кино бор-а.. Ундаги мавзу бошқа. Лекин биз сўзлаётган хизмат ҳақида гап кетса, дўхтирлар орасида шунга яқинроқ бир хазилнамо киноя ҳам бор экан. Буни кейин эшитдик. Шу идора хизматчиларининг бири айтиб қолди. «Дезинфекция» сўзини ўзбекчага ўгиришса, «зарарсизлантириш» экан. Бизларнинг шиоримиз «зарарсизлантирилсин» бўлса ёмонми?

Н. ЖАЛИЛ.

ЯНГИЛИКЛАР БОҚСАЛАР ХАБАРЛАР

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА

●ТЕЛЬ-АВИВ. Сурия ҳукумати нсроиллик араблар делегациясини қабул қилишга розилик билдирди.-

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида биринчи марта шундай учрашув амалга ошмоқда. Исроилдаги араб демократик партияси раҳбари, кнессет (парламент) депутати Абдул Ваҳоб Дараушга Сурия ҳукуматининг розилиги билдирилган ҳужжат Тель—Авивдаги Миср элчиси орқали етказилди.

Исроил ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 30 кишилик делегация шаҳар ҳокимлари, фан ва дин арбоблари, адабиёт намояндаларидан иборат бўлади.

РАСМИЙ ТАШРИФ

● СЕУЛ. Жанубий Корея Президенти Ким Ен Сам шу йилнинг март ойида расмий ташриф билан Япония ва Хитойга боради.

Мамлакат Президенти махсус вакилининг хабарига кўра, Японияга сафар 24—26, Хитойга ташриф 26—30 март кунлари ўтади. Жанубий Корея Президенти Японияга сафари чоғида император Акихито ва Бош вазир Морихиро Хосокава билан учрашиб, музокаралар ўтказмоқчи. Пекинда эса Хитой раҳбари Цзян Цзэмин ва давлат кенгаши бошлиғи Ли Пэн билан учрашиш режалаштирилган.

ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ЭЪТИБОР

● АНҚАРА. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин мамлакат ишбилармонлари билан учрашувда Қора денгиз минтақаси иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўз фаолиятидоирасида асосий эътиборни иқтисодиётнинг хусусий секторига қаратаётганини алоҳида таъкидлади.

У ишбилармонларни 11 мамлакатни бирлаштирган минтақавий ташкилот фаолиятини янада кенгайтириш учун ҳисса қўшишга чақирди. Айни кунларда ташкилот негизида шаклланаётган банк тез орада аэропортлар, автомобиль ва темир йўллар, газ ва нефть қувурлари ҳамда электр тармоқлари барпо этиш лойиҳалари харажатини маблағ билан таъминлайди, деди у.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

● СОФИЯ. Болгарияда ишсизлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Миллий статистика хизматининг маълумотларига кўра, январь ойининг охирида 632 минг ишсиз фуқаро рўйхатга олинган. Бу 1993 йилнинг декабрь ойидагига нисбатан 5,8 минг кўпдир. Ҳозирги кунда ишга яроқли аҳолининг 16,5 фоизи ишсиз, деб хабар беради Болгария ахборот маҳкамаси.

ХАЛҚАРО ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

● ПРАГА. Чехия Республикаси пойтахтида болалар ўйинчоқлари халқаро ярмаркаси очилди.

3 минг квадрат метр майдонни эгаллаган кўргазмада ўнлаб мамлакатнинг 150 дан ортиқ фирма ва корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Кўргазма «Дунё қувончи ва болалар бахти — зўравонлик ва гиёҳвандликка қарши кураш йўлида» мавзусида ўтмоқда.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНАДИ

● БУХАРЕСТ. Руминия ва Франция ташқи ишлар вазирлари тез орада Франция ҳудудида яширинча истиқомат қилаётган румин фуқароларини ватанига қайтариш ҳақидаги шартномани имзолайдилар.

Руминия бундай ҳужжатни 1992—1993 йилларда Германия, Швеция, Польша, Чехия ва Австрия билан имзолади. Францияда доимий яшаш истагини билдирган 3 минг нафар руминияликка эса имзоланажак ҳужжатнинг ҳеч қандай даҳли йўқ, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

КЎРГАЗМА САВДОСИ ЎТКАЗИЛДИ

●НЬЮ-ИОРК. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, Аризона штатида қадимий ҳайвонот турларининг қазиб олинган қолдиқлари кўргазма савдоси ўтказилди.

Унда ўнлаб мамлакатларнинг шу соҳа мутахассислари, музейлар ходимлари, ҳаваскор коллекционерлар иштирок этдилар. Иштирокчилар энг митти жониворлар қолдиқларидан тортиб, миллион доллардан ортиқроқ қийматга эга бўлган динозаврлар суякларигача сотиб олиш имконига эга бўлишди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• *Маданият хабарлари*

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Мамлакатимизда истеъдодларга бой, кўплаб бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатори Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройида фаолият кўрсатаётган «Чебурашка» болалар рақс ансамбли ҳам мана бир неча йилдирки, ранг-баранг дастурлари билан рақс шинавандалари қалбидан ўрин олган.

Республикамизда ўтказилаётган кўрик-танловлар, санъат фестивалларида жозибадор рақслари билан нуфузли ўринларни эгаллаган мазкур ижодий жамоа яқинда ўз мухлисларига янги концерт дастурини намойиш этди. Маданият саройига тўпланган санъат ишқибозлари жаккки рақс шайдоларининг «Камалакнинг турфа ранглари» деб номланган концерт томошасини оқкишлар билан кутиб олдилар. Ансамблнинг бадиий раҳбари Валентина Николаева саҳналаштирган раққоса қизларнинг «Читти гул», «Чамандаги гулларимиз», «Ҳаккалар», «Бойчечак» деб номланган дастурлари маҳорат билан саҳнага олиб чиқилганлиги боис кўпчиликнинг меҳрига сазовор бўлди. Айниқса қизлар томонидан тақдим этилган ҳиндча ва афғонча рақслар барчага манзур бўлди.

ҚИЗ УЗАТИБ БОРСАНГИЗ...

Қорақалпоқ диёри ўзига хос санъатга бой. Аму соҳилининг сокин оқар сувларидай киши дилини оромбахш этувчи куй ва қўшиқлари, жозибакор рақслари доимо мухлислар кўнглини хушнуд этиб келган. Чимбой тумани маданият уйи ҳузурида фаолият олиб бораётган «Бес перде» (Беш парда) фольклор этнографик ансамбли ижодий жамоаси ўз мухлисларини эътиборига «Қиз узатиб борганда» деб номланган янги концерт томошасини ҳавола этдилар. Қорақалпоқ тўйлари, урф-одатлари, удумлари ўз аксини топган мазкур янги дастурда ижодий жамоа тўй маросимлари куй ва қўшиқлари ҳамда ўйинларидан унумли фойдаланилган. Томоша Байжон Бобожонов, Пардабой Мамбетмуродов сценарийси асосида саҳналаштирилган. Шунингдек, ансамбль иштирокчиларидан Гулойим Оразимбетова, Абат Генжабоев, Рудаш Исақов, Давлатниёз Мамбетназаров, Бегмурот Султоновлар ижросидаги турли концерт дастурлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

ЧИНОБОДНИНГ «САЙХУН»И

Андижон вилоятининг Чинобод қишлоғида бир неча йиллардан буён «Сайҳун» ашула ва рақс дастаси фаолият кўрсатиб келаяпти. Ансамбль вилоятда ўтказилаётган катта тантаналарда, кўрик-танловлар, фестивалларда ҳамда санъат байрамларида қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаб, томошабинлар меҳрини қозонмоқда. Ансамбль репертуаридан асосан ўзбек миллий қўшиқлари, лапарлари, алла ва ўланлари ўрин олган бўлиб, саҳналаштирилаётган томошаларда миллий урф-одатлар, қадимий удумларимиз асосий ўрин эгаллаган. Яқинда ансамбль бадиий раҳбари Абдураҳмон Темиров сценарийси асосида саҳналаштирилган «Истиқлол тонгининг қўшиқлари» деб номланган адабий мусиқали композиция шинавандалар ҳукмига ҳавола этилди.

Мустақиллик, ота-боболаримиз орзулари ўз аксини топган қадим қўшиқлар, тинчлик таронаси этилган халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатларимиз жамланган дастур чинободликлар томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди. Ансамбль хонандаларидан Неъматжон Зокиров, Абдусаттор Темиров, Нозимжон Зокиров, рақсчилардан Зумрадхон Усмонова, Санобар Аҳмедовалар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар барчага манзур бўлмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



Нарпай туманининг Мирбозор қўрғонидаги марказий шифохонада урология бўлими очилди. Эндиликда бу ерда бир йўла 35 бемор даволаниши мумкин. Бу ерда беморларни нафақат жарроҳлик йўли билан, балки халқ табобати ёрдамида даволамоқдалар.

СУРАТДА: Анестезист Баҳодир Тўйчиев.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат (ЎзА).

ҚЎЙ ОТАРИГА ЭМАС, ТЎЙ «ОТАРИ»ГА

Эрта тонг. Бекатда уч кишимиз. Мен, бир йигит ва яна бир чол. Автобус кутяпмиз. Машиналар қатнови жуда сийрак. Чол йигитга қараб гап қотди:

— Йўл бўлсин, болам?

— Отарга отахон?

— Баракалла, ота ўғил. Ана энди одам бўлибсан. Ҳақиқий ота касбини эгаллабсан. Отанг раҳматлик ҳам машҳур ва донгдор чўпонлардан эди. Ёлғиз бир ўзи уч кишининг ишини қиларди. Чўлдан осонликча бери келмасди. Отарни сира ҳам ташлаб кетган эмас. Сен уни билмайсан, қўзим.. Туғилганингдан сўнг тез орада қазо қилиб кетди раҳматли. Илоҳим, ётган жойи жаннатда бўлсин. Менга қара, тижоратчи эдинг, шекилли? Бундан аввал ҳам кўп жойларда ишлаб чиқдинг. Ишингни тез-тез ўзгартириб турардинг. Мен сени ёшлигингдан биламан, тойчоғим. Отанг раҳматлик билан қишлоқдош дўст эдик. Сен эса, ёшлигингдан шаҳарга келиб қолдинг. Мени ҳам нафақага чиққанимдан сўнг ўғлим Турсунбой кампирим иккимизни кўчириб, шаҳарга олиб келди. Буни қараки, девор дармиён қўшнилар бўлиб қолибмиз яна. «Дарахт бир жойда кўкаради», — дейди халқимиз. Энди ҳақиқий қасбнинг этагини тутибсан. Кўп яхши иш қилибсанда болам, отарга бориб.

(Ҳажвия)

— Тижорат билан ҳали ҳам шуғулланиб турибмиз, отам. У билан фақат кундуз кунлари, бўш вақтларда, отар йўқ вақтларда шуғулланамиз отам. Отар билан асосан эрталаб ва кечқурун банд бўламизда.

— Шерикларинг аҳил экан-да бўтам. Ишқилиб келишинглар, Сан-манга бориб юрманглар. Қўйларни ёлғиз қолдириб, кимсасиз чўлга ташлаб кетманглар-да, бўталоғим. Эҳ-а, бу қўлтиғлаб олган мусиқа асбобларинг нимаси? Ёки чўпонларга куйлар чалиб бериб, дилларини хушнуд этасанми-а? Ҳай, бу ҳам яхши иш, савоб иш.

— Йўқ, нималар деяпсиз отам? Биз ошга кетяпмиз, мен сизга айтсам. Буни ҳам биз санъаткорларнинг тилимизда отар дейишади. Сиз мақтаган, таърифлаган афсонавий яйдоқ чўлга бориб, эсимни ебманми, жинни бўлибманми, бобой? Энди англагандирсиз?

Шу пайт бир енгил машина келиб тўхтади. Унда фақатгина бир кишилик бўш жой бор эди холос.

— Намунча кечга қолмасаларинг? — ўшқирди йигит шерикларига қараб машинага ўтирар экан. — Ахир хизматдан кечга қоляпмизку, галварслар...

Машина тўхтаган жойидан оҳиста силжиб ғизиллаганича жўнаб кетди. Чол унинг орқасидан нафратомуз ва ғазабнок назар ташлаб қоларкан, ўзича тўнғиллаб қолди:

— Ақл кирмади кирмади-да шу болага. Билагида бир ҳўкизнинг кучи бору, қилиб юрган ишини, касбини қаранг, бу ялқовнинг. Садқаи ота касби-отар кетгин-е, номард.

Акбар ҲАЙДАРОВ.

• *Жавоб беринг, мутасаддилар*

ЖОЙ КИМНИКИ?

Қушнинг ҳам уяси бузилмасин экан. Аммо на чора? Шаҳримиз кўрки, ободлиги ҳаммага керак. Шу мақсадда вилоятимизнинг қоқ марказидаги Асадулла Хўжаев номли кўчага муҳташам бинолар қуриладиган бўлди. Табиийки, бу жойдаги эски «том»лар бузилиши керак. Шу ювадаси чиққан бинода вилоят матбуот тарқатиш чакана савдо уюшмасининг рўзнома саралаш омборхонаси жойлашган.

Наманган шаҳар ҳокимлиги уюшма тасарруфидаги бу бино қурилишга ҳалал бераётгани хусусида ёзиб, икки кун муддат ичида зарур чора-тадбир кўришга, демакки, «кўчиб кетишга» ундайди. Бир қараганда ҳақли талаб. Аммо қаерга кўчиш керак? Шу томони муаммо!

Энди гапни бошқа ёқдан эшитинг. Матбуот тарқатиш чакана савдо идорасининг иложсизлигини кўрган юқори ташкилот — Давлат почта корхонаси адолатли фикр қилди. Наманган шаҳар почтамти маъмуриятига масалани ҳал этишни топширди.

Маъмурият 36-алоқа бўлимининг бўшаб қолган олтита хонасини ижарага беришга розилик билдириб хат чиқарди. Аммо бу вақтда хоналарга Наманган шаҳар телефон-телеграф станцияси кўчиб кирган эди. Ҳозир бу жойда кабелларни таъмирлаш ва бузуқ телефонларни тузатиш усасхонаси очилган. ТТС бошлиғи М. Мамадалиев «хоналарни бўшатиб бера олмаймиз» деб ёзади. Нега? — деган ҳақли савол туғилади. Ахир ТТС-нинг шу хизмат бўлимлари ҳозиргача қаерда жойлашган эди. Осмонга учиб кетмагандир ахир! Ёки ўша жойлар нима мақсадда фойдаланилаётганлиги сирми?!

Шаҳар почтамти бошлиғи Ю. Нажимовда ўз биносини бўшатиш учун ёрдам ирода етишмаяпти ёки у юз хотирчиликка берилган. Ўртада рўзнома тарқатиш бўлимлари сарсону саргардон.

Биз битта гапни кўп такрорлаймиз: «Маънавият пул билан ўлчанмайди!». Бироқ юқоридаги далиллар якка-ёлғиз эмас. Тўрақўрғон туман матбуот тарқатиш бўлими биносини «Ўзбекистон — Россия» дўстлик қўшма корхонаси эгаллаб олган. Уйчида эса видеосалон «кириб олган». Шу ва шу каби далиллар рўзнома ва журналларга, кўргазмали ташвиқот воситаларига эътиборнинг сустлигини кўрсатади. Юқорида зикр этилган масалалар ўзининг ижобий ечимини топиши керак. Биз шундай деб ўйлаймиз ва бу мавзуга яна қайтамиз.

Раҳимжон ИРИСОВ.

Спорт

МУКОФОТ ВА ЙЎЛЛАНМА

● Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида шахмат ва шашка бўйича корхона биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада жами 30 нафар спортчи иштирок этиб, маҳоратларини намойиш қилдилар. Беллашувларда Насриддин Жўраев корхона шахмат чемпиони бўлди. Ҳаким Шарипов иккинчи, Омон Аслоновлар учинчи совринли ўринларни қўлга киритдилар. Абдуғаффор Адизов эса шашка бўйича чемпионликка эришди. Замира Нуриллаева иккинчи, Шоир Истамов учинчи совриндор бўлишди. Ғолиблар корхона маъмурияти томонидан пул мукофоти билан тақдирландилар ҳамда шахмат ва шашка бўйича ўтказиладиган вилоят биринчилиги мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ҳафиза ҒАФФОРОВА.

Қишлоқ футболчиларига эътибор

● Ёқубов номли жамоа хўжалигида спортга эътибор кучаймоқда. Жамоа хўжалиги бошқарув маъмурияти ва касаба уюшмаси спортчиларга яна бир ғамхўрлик кўрсатди.

1993 йилда туман чемпиони бўлгани учун футбол жамоаси стадиони учун бир гектар ер ажратиб берилди. Катта миқдорда пул ўтказиб берилди. Бундай рағбатлантиришлар Маҳмудхон Солиев раҳбарлигидаги футболчиларни 1994 йилда Андижон вилояти чемпиони бўлишга даъват қиляпти. Жамоа Наврўз байрами кунлари Пахтакор қишлоғидаги хўжалик футбол жамоалари ва тумандаги «Пахтакор» футболчилари билан учрашувга тараддуд кўрмоқда. Ютуқлар сари одим ташлаш эмирида хомийларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Жалолиддин Боқиев «Меҳнат» кооператив жамғармаси ҳисобидан футболчиларга махсус кийим бош тўҳфа қилди.

Тўхтасин ҚУРБОНОВ.

ЎЙНАБ КЎРИНГ



Бундан минг йил бурун яратилган ва шатранж шайдоларини ҳозиргача мафтун этиб келаётган қуйидаги машҳур мансубага Навоийнинг ҳам назари тушган бўлса, ажабмас.

ШАРТИ: оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.

◎ МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ...

ГУЛИСТОНДА ГУЛ САЙЛИ БЎЛАДИМИ?

Бизларнинг бир истагимиз бор. Нега жаҳондаги кўпгина шаҳарларнинг ўз тарихий байрамлари, удум ва анъаналари бору, бизнинг Гулистонимизда бу нарса йўқ? Эшитишимизча, Намангандаги катта истироҳат боғида ҳар йили гуллар байрами ўтказилар эмиш. Хўш, нега ана шундай тадбирни исми жисмига монанд бўлган Гулистонда ҳам ўтказиш мумкин эмас. Назаримизда, бу иш шаҳримизга жуда ҳам ярашиб тушар эди.

Бизнинг бу таклифимизга муштарийлар қандай қарашар эканлар?

Мавжуда ИБОДУЛЛАЕВА, Муҳайё МЎМИНОВА, Моҳира АҲМЕДОВА, Насиба ЙЎЛДОШЕВА, Райҳон УМАРОВА,

Гулистон Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётининг 3-курс талабалари.

◎ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ...

МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАҲКАМАСИ ЗАРУР

Қишлоқларда фермер ва деҳқон хўжаликлари кўпайиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Аммо, уларни бошқарадиган ягона маҳкама йўқ. Тўғри, мева-сабзавотчилик бирлашмаси, агросаноат уюшмасида бу иш билан шуғулланувчи бўлимлар мавжуд. Лекин улар барча фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига етарлича ёрдам беролмайдилар. Хуллас, мен республикада ҳам, вилоят ва туманларда ҳам деҳқон хўжаликлари ва фермерлар бошини қовуштирадиган, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган, керак бўлса техника ва ўғитдан, маблағдан ёрдам бериб турадиган маҳкамалар тузишни таклиф этаман.

Ширинбой РАББИМОВ, Оқдарё туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги фермери.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари рост экан. Бўлмаса Худойберди икки марта жиноятга қўл уриб қамалаб чиқармиди? Саёқ юриб, мўмай пул топиш кўйига тушган бу йигит учинчи марта ўғирлик қилди.

1993 йил 5 август. Эрталаб соат 4,5 лар чамаси осуда уйқу маҳал. Ўғирлик учун қулай бўлган пайт. Бундан фойдаланиб ўрганган Худойберди 1-озиқ-овқат дўкони ёнига келди. Бир-икки марта йўталиб атрофга қулоқ тутди. Садо чиқмагач дераза ёнига борди ва темир панжарани бузиб ўзини ичкарига олди. Дўконда ароқдан бошқа дурустроқ, нарса кўзга ташланмади. Ўйлаб ўтиришга фурсати борми? Беш шиша ароқни олдию жуфтакни ростлади.

Худойберди «ўлжа»сини пуллаши керак эди. Харидор излай бошлади. Ҳеч жойда ишламагандан кейин пулга муҳтож-да. Тонгда харидор топилармиди? Шунда у бир қарорга келди-да, тез-тез юриб кетди. Таниши Акрам Туроповникига бориб, ароқ сотмоқчи эканлигини айтди. Ароқдан шубҳаланган уй эгаси уни олмагач, изига қайтди. Йўлда дуч келган дўкон қоровули Олим Бердиев ундан шубҳаланди ва сумка ичини текшира бошлади. Худойберди қанчалик тулкилик қилмасин, гапнинг тўғрисини айтишга мажбур бўлди ва ароқнинг 3 донасини ташлаб қочиб қолди...

Аммо Худойберди Алиев узоққа кетолмади. Суднинг қора курсисида ўтирган жиноятчи ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг ишончли кўрсатмалари олдида бош эгиб, айбига тўла иқрор бўлди.

Яккабоғ туман суд ҳайъати Худойберди Алиевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-модда 3-қисми билан айбли деб топди ва 7 йил озодликдан маҳрум этди.

Холбобо ҚУҚОНОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТЎРТ ҲАМТОВОҚ

Бу ўсмирларнинг ёши 17 — 18 ларда. Улардан фақат биттаси кечки ўрта мактабда ўқийди. Қолганлари эса «ялло» қилиб юрганлардан.

Шу йилнинг февраль ойи бошларида улар Қўйлиқ бозорига бориб хўроз урништиришди. Пуллари тугагунча ўйнаб, кейин ҳаром пул топиш режасини туздилар...

Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимига шошилинч хабар келди. Бешқайрағоч маҳалласидаги ошхоналар идорасининг қоровули оёқ-қўлини боғлаб тўрт йигит ўғирлик қилишибди. Улар ниқобда бўлишган. Жиноят қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция майори Раҳматилла Шукуров ва милиция катта лейтенанти Мирсаид Сандакбаров жиноят юзасидан ишга киришишди. Босқинчилар топилиб, шахслари аниқланди.

Тергов давомида йигитларнинг 20 дан знёд жиноятлари фош этилди. Ўғирланган моллар олинди.

ҲИСОБЛАГИЧНИ ЎМАРИШДИ

Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлим жиноят қидирув бўлими ходими, милиция катта лейтенанти Раҳматжон Досумов электр ҳисоблагичларни ўғирлаш билан шуғулланиб келган гуруҳни фош этди. Бу нопок шахсларнинг барчаси муқаддам судланишган. Уларнинг туман ҳудудидан 20 дан, шаҳар ҳудудидан эса 120 дан ортиқ электр ҳисоблагич ўғирлаш жиноятини содир этишгани аниқланди.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати ходими.

ХАРЧИНОМА

ЎзР ФА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МУЗЕЙИ КОНТРАКТ ТИЗИМИДА ИШЛАШГА ЎТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов: Ўзбекистоннинг: энг қадимги ва қадимги тарих даври — катта илмий ходим (1), тарих фанлари доктори ёки номзоди;

Ўрта ва янги тарих даври — катта илмий ходим (2) — тарих фанлари доктори ёки номзоди;

Энг янги тарих даври — катта илмий ходим (2) тарих фанлари доктори ёки номзоди;

Музей фондлари ва архиви ишлари: етакчи ходим (1) — тарих фанлари доктори.

Катта илмий ходим (2) — тарих фанлари доктори ёки номзоди.

Танловда нафақа ёшига етмаган, ўзбек ва рус тилларини мукаммал билган, музейшунослик тажрибасига эга бўлган кишилар қатнашиши мумкин.

Танлов эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси 3-уй, Ўзбекистон тарихи музейи.

ТАШКИЛОТ

Ҳар қандай янги ёки фойдаланилмаган пресслаш ва металл қирқиш асбоб-ускуналарини СОТИБ ОЛАДИ

Воситачилар хизматларига ҳақ тўланади.

ТЕЛЕФОН: (3712) 54-64-70, соат 7.00 дан 15.30 гача ва 21.00 дан 24.00 гача.

ҚУТЛОВ



Азиз ва меҳрибон домлажонимиз ТошДЮ ҳуқуқшунослик кафедраси доценти, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Раҳима Абдуллаевна ЖЎРАБОЕВАни

педагоглик фаолиятларининг 40 йиллиги, қутлуғ 58 ёшга тўлишлари ва Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан чин қалбдан табриклаймиз.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгуси ишларингизда ижодий баркамоллик тилаб,

сизни севувчи талабаларингиз.

PSS-51, PSR-510 оркестраторлари **СОТИЛАДИ ТЕЛЕФОН: 21-26-67.**

1967 йилда ишлаб чиқарилган «Белорусь» пианиноси **СОТИЛАДИ ТЕЛЕФОН: 78-25-39.**

Тошкент шаҳар Юнусобод ноҳиясида жойлашган «Шаҳристон» кичик корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри ва штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ХОТИРА



Азиз адажонимиз АКАЕВ Мехлибой Ақабоевич

Ҳаёт бўлганингизда бугун 43 баҳорни қарши олардингиз. Хотирангиз абадий қалбимизда қолади. Руҳингиз шод бўлсин!

Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз, ота-онангиз ва опа-укаларингиз.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Собир Раҳимов» савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамияти меҳнат жамоаси кекса ходим, меҳнат фахрийси

Нигматилла КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси Бухоро вилояти ўрмон хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Юсуп Қурбоновга акаси

Усмон ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ҳар бир бандаи мўмин тилаганидек, муборак рўза кунларида «Ўзсувқурилиш» давлат концернининг муҳосиба ҳисоби ва назорат-тафтиш ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Бўта Холматович ХОЛМАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан давлат концерни меҳнат жамоаси ва маъмурияти дилдан қайғуриб, биродари-қадрдонимиз оиласи ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик, чуқур таъзия билдиради, сабру бардош тилайди.

Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, Ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоаси факультет декани Сувон Мелиевга отаси

Мели ҲУСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.

Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.

Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Каршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 32-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди—21.00.
Навбатчилар: ҚУРБОНАЛИ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди — 22.45. 1 2 3 4 5 6.